

СЎЗ БИРИКМАЛАРИ ДЕРИВАЦИЯСИДАГИ СТРУКТУР-СЕМАНТИК МУНОСАБАТЛАР

Бобоева Мадина Хайдаровна

Ўзбекистон Миллий университети

Хорижий тил ва адабиёти кафедраси тадқиқотчиси

Boboyeva-madina@mail.ru

Аннотация: Ушбу мақолада сўз бирикмасининг семантик ва грамматик муносабатлари ўрганилган. Бундан ташқари сўз бирикмаси дериватсиясида юзага келадиган структур-семантик кўчимлар ҳам аниқланган. Бундай ёндашувда тил бирликларининг формал тузилишини акс эттирувчи намунавий моделлар ажратилган. Маъно тузилишининг функционал-деривацион тадқиқи тил тизими бирликларида бевосита нутқий фаолият жараёнида ҳосил бўлиши эътиборга олинган. Бунда тизимий ва вазифавий хусусиятларнинг ўзаро боғлиқлиги қайд этилган. Ҳар қандай деривацион қадам натижасида янги бирлик ҳосил бўлади, буни гапнинг СБга айланиши аниқланган. Оператор деривация жараёнини вужудга келтирувчи асосий элементлардан бири бўлиб, операторлар ролини сўзлар, боғловчилар, предлоглар, грамматик шакллар, шунингдек, контекстлар ўйнаши аниқланган. Деривация назариясининг таҳлилида қўлланадиган иккинчи атама “операнд” бўлиб, у синтактик шаклланишининг янги босқичи учун зарурий хом ашёдир. “Дериват” (ҳосила) атамаси деривациянинг охириги маҳсулини, натижасини ифодалайди.

Калим сўзлар: дериватсия, лисоний белги, операнд, объект, субъект, кўчим.

Abstract: In this article, the semantic and grammatical relations of the phrase are studied. In addition, the structural-semantic shifts that occur in the derivation of the phrase are summarized. In this approach, model models were created that reflect the formal structures of language units. The functional-derivational reality of the meaning structure was transferred to control the production in the speech situation in the units of the research language system. A new unit appeared, which is confirmed by the transformation of the sentence into phrase. The operator is one of the main elements that creates the process of derivation, and it is determined that the role of operators is played by words, conjunctions, prepositions, grammatical forms, as well as contexts. The second term used in the analysis of the theory of derivation is "operand", which is the necessary raw material for a new stage of syntactic formation. The term "derivative" represents the final product, the result of the derivation.

Key words: derivation, linguistic sign, operand, object, subject, migration.

Тил бирликлари семантик структураси узок даврлар мобайнида бевосита ушбу бирликларнинг формал тузилиши тахлили билан боғлиқ ҳолда ўрганиб келинди. Бундай ёндашувда тил бирликларининг формал тузилишини акс эттирувчи намунавий моделлар ажратилиб, улар фаол қўлланишда бўлган лисоний бирликларнинг типик хусусиятларини мужассамлантирувчи мавҳум тузилмалар сифатида талқин қилинди. Маъно тузилишининг функционал-деривацион тадқиқи эса тил тизими бирликларининг бевосита нутқий фаолият жараёнида ҳосил бўлишини эътиборга олишни талаб қилади. Бунда тизимий ва вазифавий хусусиятларнинг ўзаро боғлиқлиги қайд этилади. Функционал-семантик майдон ғоясининг тарғиботчиларидан бўлган А.В.Бондарконинг фикрича, категориал маъно лисоний тизим характериға эға бўлишдан ташқари, бирликларнинг “узлуксиз ва янги муҳитларда қўлланиши асосида юзаға келади”. О.Н.Селиверстованинг қайди ҳам ушбу фикрни тасдиқлайди: “ҳар қандай лисоний белгининг тавсифи аслида уларнинг нутқ жараёнида чексиз қўлланишини умумлаштирувчи қонуният характериға эға бўлиши керак”.

СБларининг деривацион-семантик тузилишини ўрганиш, ўз навбатида, унинг таркибига муружаат қилишни талаб қилади, зеро, СБлари элементлари ўрнини эгаллаётган сўзларнинг маъносида ҳам мавҳумлик ва хусусийлик ўз ифодасини топади. Юқорида айтилган “муносабатлар”нинг манбаини сўзларнинг морфологик ва лексик табиатидан бир хилда излаш лозим бўлади. Бу ҳолда алоҳида сўзларнинг маълум сўз туркумиға оидлигиға боғлиқ хусусиятларини унинг СБ компоненти вазифасида келганида ҳосил бўладиган маъносини фарқлаш талаб қилинади. СБ деривациясида камида икки қисм иштирок этишиға қарамасдан, унинг семантик структураси сўз туркумларига хос категориал маъноларнинг оддий муносабатларидан иборат эмас. Бунинг исботини турли сўз туркумларига оид лексемаларнинг бир хил мазмун муносабати (масалан, объект муносабати)даги бирикмалар ҳосил қилишида кўриш мумкин: *cover-book of a journal* – журналнинг муқоваси; *good for trade* – савдо-сотикқа яхши (савдо қилишни яхши эплайдиган) etc.

СБнинг “яхлит, лекин таркибли (қисмларға ажратилган) маъно”ға эға эканлиги кўпчилик томонидан эътироф этилган ва шу маъно ҳақида сўз кетганида, сўз туркуми бирликларининг деривацияси жараёнида намоён бўладиган бирикиш имкониятлари назарда тутилади. У ёки бу лексик-грамматик гуруҳға кирувчи сўзлар маълум турдаги семантик-синтактик имкониятларға эға бўлиб, бу имкониятларнинг дериват СБларида воқеланиши унинг тузилиши, бўлакларнинг тутган ўрни ва бажараётган вазифаси билан боғлиқ. Масалан, икки таркибли СБда етакчи компонент – операнд ўрнини эгаллаётган сўз ўз

имкониятларидан фақат бир қисмини намоён қилади, яъни семантик функцияни бажариб, ўзида мавжуд бўлган сўз ўзгартувчилик имкониятини намоён этмайди. Масалан, *piggish man* ёки *greedy person* СБларида *man*, *person* сўзларининг семантик имконияти фаоллашиб, ҳеч қандай форма ўзгариши юзага келмайди. Семантик структура таркиб топишида бажарилаётган вазифининг роли катта бўлиб, бу СБнинг ҳар бир компонентида маълум маънони бириктиради ва шу йўсинда улар ўртасида “етакчилик-тобелик” ролларини тақсимлайди. Етакчи компонент тобе элементга маъно ва шакл жиҳатидан ҳукмронлик қилиш билан бир қаторда, ўртадаги боғлиқлик икки томонлама бўлиб қолаверади.

Сўзнинг лексик-грамматик табиати СБлари структур-семантик тузилиши манбаидир. Сўзнинг худди шу жиҳатини эътиборга олган ҳолда, унинг маъно хусусиятларини аниқлаш лозим бўлади. Луғавий бирликларнинг лексик ва синтактик имкониятларини фарқлаш СБлари, жумладан, предлогли СБнинг тузилишини тадқиқ қилиш учун ғоят муҳимдир. Айтилган фикрларни изоҳлаш мақсадида атрибутив СБлари ифодалайдиган семантик-структур муносабатларни аниқлашга ҳаракат қиламиз. Бунинг учун, даставвал, ушбу муносабатлар ифодасида маълум бир шаклнинг бирламчи ёки иккиламчи роль ўйнаши инобатга олинади. Бошқача айтганда, СБларида атрибутивлар етакчи от томонидан ифодаланаётган белги-хусусиятларга ишора қилиши ёки предмет-ҳодисалар ўртасидаги муносабатларни аниқлаштириши мумкин. Чунки улардан бири СБнинг етакчи қисми, бошқаси эса атрибут томонидан ифодаланади. Шунга биноан, атрибутив СБларининг икки тури ажратилади ва уларнинг бирида предметларнинг туб хусусияти воқеланса, иккинчисида эса, предмет ва ҳодисалар ўртасидаги муносабатларни акс эттирувчи белгилар акс топади. Атрибутив қисм ифодалаётган белги аниқланмиш – предметнинг ажралмас, ички белгиси бўлиш билан бир қаторда, ушбу предмет – от учун ўткинчи, унинг моҳияти аниқланмайдиган белги бўлиши кузатилади (масалан, қиёсланг: *time control* – вақт назорати, *those people* – ўша одамлар). Бундай фарқларнинг мавжудлиги СБларини турли семантик гуруҳларга тақсимлаш имкониятини беради.

Туб ва ўткинчи белгилар фарқланиши от номланишининг аталаётган объектга нисбатан турли референт муносабатида бўлишини тақозо этади. Биринчи ҳолатда референтнинг аниқлигига тингловчининг билим захираси воситасида эришилса, иккинчисида эса аниқ муҳитда намоён бўлаётган белгиларга таянишга тўғри келади ва бу турдаги СБларини осонлик билан предлогли СБларига айлантириш мумкин, масалан, қиёсланг: *useful job* – *useful with money* / фойдали иш – даромадлиги туфайли фойдали иш; *beautiful room*

– beautiful in design / чиройли хона – чиройли безакли хона; bad habit – bad (harmful) for health / ёмон одат – соғлиқ учун ёмон (зарарли).

Бошқа бир турдаги СБлари, юқорида айтилганидек, нарса-ходисалар ўртасидаги турли муносабатларни ифодалайдилар ва ушбу муносабатлар бошқа ҳолатларда гап синтактик структурасида муайян кўриниш олиши мумкин. Шу сабабли бу турдаги СБлари синтаксис ва лексик сатҳлар сарҳадидан, оралик ҳудуддан ўрин оладилар. Булар қаторига предикатив, эғалик ва ҳол мазмун муносабатларини ҳосил қилувчи бирликлар киради. Предикатив СБларининг ажратилиши бир оз шартли, чунки ушбу муносабатнинг мавжудлиги тузилмаларнинг фақат ботиний сатҳида кўринади. Масалан: boiled water бирикмасида предмет-объект муносабатининг мавжудлиги – The water is boiled (қайнатилган сув – сув қайнатилди) гап-трансформаси имконияти билан изоҳланса, субъект-объект муносабатига эга weather of the autumn, mood of the people (кузнинг об-ҳавоси, халқнинг кайфияти) каби СБлари бундай имкониятга эга эмас.

Эғалик муносабати намоён бўлувчи СБларининг алоҳида гуруҳга ажралиши эса to have предикатлашувининг функционал жиҳатдан to be предикатига мос келишида кўринади: hero has courage – hero is courageous – courage of a hero. Бошқа томондан эса, ҳатто эғалик муносабатининг have предикацияси воситасида аниқлаштирилишида ҳам объект-субъектнинг белгиси сифатида тасаввур қилинади. Қиёсланг: the group has carriages – carriage group; guest has bag – guest's bag.

Худди шу кўринишдаги белги яхлит ва бўлак (window of the room – хонанинг деразаси), бир шахснинг бошқаларга (member of the parliament – парламент аъзоси) ҳамда предметлаштирилган белги орқали унинг соҳибига (interest of pupils – ўқувчиларнинг қизиқишлари) муносабатларида ҳам намоён бўлади. Бу хилдаги СБлари семантик структурасининг яна бир хусусияти шундаки, улар тузилишида атрибутив алоқа сийқалашиб, туб эғалик маъносига муносабат кучаяди: dark sky – the dark of the sky / қоронғу осмон – осмоннинг қоронғулиги.

Ҳол муносабатларига эга бўлган СБларининг алоҳида гуруҳга ажратилиш сабаби ҳам ушбу муносабатларнинг гап ядросидан ўрин олиши ва гап трансформаларини ҳосил қилиши мумкинлиги билан боғлиқдир. Аммо биз таҳлил қилган материалда ушбу СБларининг макон (Asian students – осийлик талабалар), замон (tsars of past centuries – ўтган асрлар шоҳлари), мақсад (application for job – ишга кириш учун ариза) муносабатларини юзага келтирувчи уч турининг мавжудлиги аниқланди.

Атрибутив алоқа воситасида ҳосил бўладиган СБларининг синтагматик ва семантик тузилишида тема-рема муносабати ҳам ўзгача тус олади. Масалан, of предлоги воситасида тузиладиган ушбу СБлари бир хил структурага эга бўлсалар-да, уларнинг мазмун доираси турлича кенгайишларга мослашади. Бошқача айтганда, ушбу СБларининг семантик жиҳатдан бир хил кўринишга эга эмаслиги, ҳар доим ҳам структур турли-туманликнинг натижаси бўла олмайди. Масалан, объект-субъект муносабати ҳосил бўладиган СБлари таркибида атрибут бўлак ўрнини конкрет ва мавҳум отлар бир хилда эгаллаши кузатилди. Қиёсланг: – the feeling of hate – нафрат ҳисси, the hatred of betrayal – хиёнатга нафрат, the praise of freshman – биринчи босқич талабасига мақтов ва бошқалар.

Хуллас, таҳлил натижалари кўрсатишича, СБларида ифодаланаётган қисмлар муносабатлари умумий семантик структурани ҳосил қилувчи кўрсаткичлардир. Энг асосийси – ушбу кўрсаткичлар денотатив мазмун ва ахборот баёни услубининг семантик-синтактик қонуниятлари билан боғлиқ ҳолда намоён бўлади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Кубрякова Е.С. Панкрац Ю.Г. О типологии процессов деривации // Теоретические аспекты деривации. – Пермь, 1982. – С. 7-20.
2. Нейматов Ҳ. Ўзбек тилшунослигида формал, структурал ва субстанциал йўналишлар хусусида//Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 2009. – Б. 35-40.
3. Малащенко В. П., Богачев Ю. П. Словосочетание и члены предложения // Вопросы языкознания. 1984. № 6. - С. 81—86.
4. Турниёзов Н.Қ. Ўзбек тили деривацион синтаксисига кириш. - Самарқанд, 1990. – 55 б.